

СИРЛАНГАН КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИДАГИ ШАКЛ ВА БЕЗАКЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА РАНГЛАР ХИЛМА ҲИЛЛИГИ

Хайтметов Дишиоджон Тўраевич - Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, "Амалий безак санъати" кафедраси мудири

Маматкулова Ситора Комил – Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти “Бадиий кулолчилик” йўналиши 2-босқич магистранти

Аннотация: бадиий кулолчилик чексиз эстетик ва функционал имкониятларга эга. Унинг бадиий ва техник фазилатларидан архитектура, монументал ва декоратив санъат, ҳайкалтаръошлиқ ва дизайнда фойдаланиш мумкин. Бой тарихий тажриба кулолчилик архитектура билан синтезнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишга тобе эканлигига ишонтиради. Замонавий санъатда барча рассомлар учун ишлатиладиган материалларнинг хилма-хиллигига бўлган интилиш тобора қўпроқ намоён бўлмоқда.

Аннотация: художественная керамика обладает безграничными эстетическими и функциональными возможностями. Его художественно-технические качества можно использовать в архитектуре, монументальном и декоративном искусстве, скульптуре и дизайне. Богатый исторический опыт убеждает в том, что керамика подчинена решению сложных задач синтеза с архитектурой. В современном искусстве все чаще проявляется стремление к разнообразию материалов, используемых всеми художниками.

Annotation: artistic ceramics have limitless aesthetic and functional possibilities. Its artistic and technical qualities can be used in architecture, monumental and decorative art, sculpture and design. Rich historical experience proves that ceramics is subject to solving complex problems of synthesis with architecture. In modern art, the desire for a variety of materials used by all artists is increasingly evident.

Таянч сўзлар: уста, марказ, сирланган кулолчилик, услуб, анъана, буюм, мактаб, геометрик нақш, шакл.

Ключевые слова: мастер, центр, глазурованная керамика, стиль, ремесленник, традиция, предмет, школа, геометрический узор, форма.

Keywords: master, center, glazed ceramics, style, tradition, subject, school, geometric pattern, shape.

Ўзбекистон сирланган кулолчилигини ўрганиш ҳам бир қанча босқичларга бўлинади. Ўзбекистон қулолчилик санъатининг энг бой меросини сақлаб қолган маскан ҳисобланади. Ўзбекистонда қадимдан ҳар воҳанинг ҳунармандчилик

марказлари вужудга келиб шаклланган. Ишлаб чиқариш услуги бўйича кулолчилик иккита асосий турларга бўлинган – сирланган ва сирланмаган. Сирланмаган кулолчилик қадим тарихга эга. VIII аср охири – IX аср бошида Мовароуннахр шаҳарларида кулолчиликка сир кириб келди. IX-XVIII асрларда ушбу услуг бадиий камолликка ва юқори технологик сифатга эга бўлди.

Ўзбекистонда сирланган кулолчиликнинг ривожланиш тарихини даврлаштиришда З босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи босқич ўз ичига – IX аср охири XIII аср бошларини олади, янги ислом даврида хунармандчилик ва савдо-сотик ривожланиши сабабли сирланган кулолчилик Ўрта Осиёда кенг тарқалади. Бу даврда маҳалий ҳалқ Сомонийлар ва Қороҳонийлар хукумронлигига эди. XIII аср бошларида монголларнинг босқини сабабли Маворауннахрда сиёсий-иктисодий, маданият ва санъатда инқизор юз тута бошлайди. Бу албатта кулолчилик соҳасига ҳам таъсирини кўрасатади.

Иккинчи босқич – XIV-XVI аср сиёсий – иқтисодий ва маданий ҳаёт Маворауннахрда улкан ва кучли империяни ташкил этган Амир Темур ва унинг сулоласини ўз ичига олади. Бу даврнинг сирланган кулолчилиги, узоқ ғарб таъсирида шакли, сифати жиҳатидан олдинги даврлардан фарқланади. Темурийлар анъанасига ҳос усул XVI асргача давом этган.

Учинчи босқич–XVII аср бошлари XIX асрларни ўз ичига олади. Бу даврда Ўзбекистон ҳудудидаги уч хонлик – Буҳоро, Кўқон ва Хива хонликлари кулолчиликнинг маҳалий мактаблари шакилланишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон кулолчилиги катта тарихий йўлни бошидан ўтказганини ҳисобга олиб, изланишлар, унинг ҳар бир босқичидаги ривожланишларни алоҳида гуруҳлар ёрдамида ўрганишлар олиб борилган. Ҳар бир босқичда кулолчилик буюмларини бадиий безаклари даврга қараб ўзгариб бораверган албатта В.А.Крачковский Туркистон кулолчилигига шакли ва нақшларида Месопотамия куличилигини ўхшашлигини айтиб ўтган.

1930 йилдаги изланишларга кўра сирланган кулолчилик намуналардан Ўзбекистонинг бошқа ҳудудларида ҳам қазилма иши натижасида топилмалар бошланган, масалан А.Ю.Якубовский полихром нақшли сирланган кулолчилик буюмларини Миздахкандан топди ва IX-XI аср Самарқанд кулолчилигига ўхшашлигини ва иккинчи ярмини XIII-XIV аср сирланган кулолчилигига яқинлигини таъкидлади. Улар томонидан Урганчда ҳам сирланган фони оқ рангли қалин кўк нақшли яъни зангори ва қора нақш тушурилган кулолчилик буюмлари археология қазилмаларида топилган.

IX-XIII асрда Моварауннахр умумий ҳаётида бошқа ислом давлатлари каби, биринчи ўринда дин ва илмга ўхшаб бадиий хунармандчилик tengлашиши сабабли, шаҳарлардаги феодал савдо ўсиш шакли ривожланади.

Хунармандчиликда асосий ўринни сирланган кулолчилик ташкил этади. VIII аср охири – IX аср бошларида сирланган кулолчилик пайдо бўла бошлайди, бундан ташқари кулолчилик IX аср бошлари ва X аср иккинчи ярмида бир бири билан боғлиқ бўлади. Сирланган кулолчилик технологияси Ўзбекистон маданият ва санъатида ўзгача бой ҳосил берди, IX аср ўзгаришлари X асрларгача давом этди. Асосий эътибор идишларнинг шакли ва уларнинг безакларининг нозиклигига қаратилган. IX асрда кулолчилик намуналари V аср ва VII аср металл буюмлар шаклида, жигарранг сирлар билан қопланган, кўк яшил ранглар жигарранг сариқ бўёқлар билан безатилган.

Сирланган идишлар пайдо бўлган даврнинг дастлабки асрларида кўплаб ҳайвонлар тасвири туширилган ишлаб чиқариш одат бўлган. Айрим идишларга, масалан қўзачаларга бирин-кетин учиб келаётган қушлар тасвири туширилган бўлса, бошқа турдаги идишларга қушни қувлаб кетаётган шер, қўлида бургут ушлаб турган чавандоз ёки ўз ўлжасини майдалаб еяётган ваҳший ҳайвон тасвири тушурилган.

IX аср ва XIII аср бошларида сирланган сопол кулолчилик буюмлари шакли, қўриниши ва унинг нақшлари ривожланади. Ўрта асрда Ўрта Осиёда сопол буюмлар ишлаб чиқариш марказлари пайдо бўлади ва улар бир бирлари билан узвий боғланади (IX – XI аср), улар кенгайиб бир нечта мустақил мактаблар ташкил этади (XII- XV аср).

Сирланган кулолчилик буюмларининг шакли ва безаклари. Илк ислом давридаги савдо – хунармандчилик шахарчаларнинг ривожланиши билан сирланган сопол амалий санъати кенг ривожини топди. Бу шахарлар амалий санъат маркази бўлиб, бу ерда технологик янгиланишлар, янгича безатишлар шаклланди. Моварауннахр шахарларида катта устоз-кулоллар пайдо бўлди. Улар оддий маҳсулот билан бир қаторда ажойиб тенгсиз маҳсулот ҳам чиқаришди. Бу даврда сирли сополларда катта ўзгаришлар, янгича кўринишли маҳсулотлар, техникавий ва бадиий кўринишли безатиш, бадиий безак (декор) кўринишига ўзгартириш киритилди. Олдинги кўриниши сақлаган холда янгича безак турлари кириши бошланди. Асосий безаклаклар ўсимлик ва шакилли (геометрик) нақшлар сақланган холда араб безак ёзуви кира бошлади ва ўқилиши қийин бўлган нақшларга ўзгарди.

IX – X аср сирланган кулолчиликда қўрғошинли сир ишлаб чиқара бошланди, эпиграфик ва ўсимликсимон нақшли, доғли нақшлар туширила бошланди. Нақшлар ҳар хил рангли бўёқларда амалга оширилган. Масалан, Қора(мағл), оч жигаррангдан тўқ жигаррангагачам, шаффоф рангдаги қўрғошинли сир қопланган, қизил (жўша) шаффоф рангли сир, яшил (мис оксида), фақат шаффоф сирланган, мовий яшил (қалай ва мис оксида), қўрғошин қалайли сирлар, сариқ шаффоф сирли, сиёхранг (маргенец) сир остида. Бундан

ташқари асосий ва оралиқли ранглар билан бирга қора ва қизил ранглар ҳам ишлатилған. XI-XII асрларда юқори дара жадаги қолиппа ишлов беріш ва ҳар хил шаклларни олиш имкониятларга эга бўлди. Кулолчилик идишлар бой малака касб этишида, устозлар маҳорати, эски анъанани яхшилаб ўрганиб ва янги услубларни кашф этиш, идишлар юзасига яхшилаб ишлов беріш, лекин асосий ишлар чарх ёрдамида бажарилар эди.

Х-асрнинг иккинчи ярмига келиб Самарқанд кулолчилик санъати ўзининг тараққиёт чўққисига кўтарилиди. Ушбу асрга оид бадий буюмлар таҳлилий жиҳатдан чуқур тадқид этилган.^{1,2,3} X – аср кулолчилиги асрлар давомида тараққий этган анъаналарни ўзида мужассамлаштириши билан бирга, ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради.

Асосий безатиш усуллари.

1. Ўсимликсимон нақшлар;
2. Эпиграфика (куфий ёзувлар)
3. Зооморф мавзулар
4. Геометрик нақшлар
5. Доғли безаклар
6. Антропоморф мавзулар

Ушбу давр сирланган кулолчилик буюмлари асосан реалистик тарзда тақдим этилган. Ҳамма бадий ечим воситаларининг (тасвир, колорит, композиция) асосий вазифаси – инсон руҳиятига эстетик завқ беришdir.

Ранг мажмуаси. Ноёб шаклдаги қадимий Афросиёб сопол буюмларга асосан контраст рангли бўёқлар ишлатилған: оқ, қизил ва тўқ жигарранглар. Масалан, буюмнинг оқ фонига жигарранг бўёқ ишлатилади. Лекин ёнига қизил рангли тасвир туширилади. X – асрнинг охирида ранглар мажмуасига янги зайдун ранг киритилған. Асосан тасвирлар икки усулда бажарилған: мўйқалам ва “гравировка” усули. Ўсимлик новдалар, ёзувлар, геометрик шакллар ва зооморф безаклар асосан бўёқлар билан бажарилған. Мўйқалам билан бажарилған тасвирлар “силуэтли” ва чизиқли контур усулида ишланған. Ушбу усул бўйича нозик чизиқлар асосида тасвирнинг контури ҳосил қилинади. Унинг фонига ҳар хил безаклар туширилади. Тиник, рангсиз сирларнинг тагида ажойиб тасвирлар жойланған. Суратларга анъанавий ўсимлик, гулларнинг тасвирлари мавзу қилиб олинган. Шулардан энг урф бўлгани анор. Композицияларда анор реалистик тарзда талқин этилған. Одатда композиция марказида нуқта туширилған бўлади, унинг атрофида эса реалистик тарзда анор ва гуллар тасвирланған бўлади.

¹Шишкина Г.В. Глазурованная керамика Согда (VIII – XIII вв) – Т.; 1979

²Гражданкина Н.С. Методика химико-технологического исследования древней керамики – Т: 1965.

³Ташходжаев Ш.С. художественная поливная керамика Самарканда – Т.; 1967.

Марказдаги нұқта жигарранг ҳалқа билан айлантириб олинган. Қизил ва жигарранг “меандр” чизиклари халқадан тарқалиб, лagan ҳошиясини олти қисмга бўлган. Ушбу секторларнинг ичида анор ва гуллар жойлашган.

Лекин турлича идишларда анор тасвири турлича талқин этилган. Аксарият идишларда анордан ташқари, унинг майда баргли шоҳчалари ҳам ифодаланган. Гул, бутоқ, анор, тюльпан сингари ўсимлик нақшлар рамзий тимсолий маъноларни ўзида мужассам этган: тўлқинли ўсимлик пояси тинимсиз ижод ва табиат таровати, тўлқинсимон чизиклар шиддатли ҳаёт оқими, гул, тюльпан табиатнинг баҳорда уйғониши, гул эса ёруғ олам гўзаллиги, бу гўзалликнинг гул умри сингари ўткинчиларни англатган. Кўп баргли чиройли атиргуллар ўзига хос равишда жойланиб, тепадан кўриниш тассуротини беради. Пальметталар ҳам ўзига хос равишда ифодаланган: ингичка чизиклар асосида безак ҳосил қилинади, унинг атрофи майда нұқталар билан тўлдирилади. Одатда пальметталар кўп баргли бўлиб, уларнинг ички қисмига бошқача пальметта киргизилган.

Ҳайвонот олами (зооморф мавзулар). Юқорида зикр этилгандай, ушбу давр буюмларининг тасвири эркин талқини, гулларнинг жонлилиги, рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Барча композициялардаги ҳайвонот олами анъанага мувофиқ чизилган.

Жумладан:

1. Идишнинг марказида бургут жойлаштирилган, оёқлари узун, қанотлари ёйилган. Кўш зайдун рангда тасвирланган. Бургутнинг табиий ёйилган қанотлари, жонли тасвирланиши инсонга борлиқни реалистик оламни тақдим этади.

2. Иккинчи идишнинг марказида каптар тасвирланган. Лаган сатхи зайдун рангда безатилган бўлса-да, лекин каптар оқ рангда. У ўлган ҳолатида, реалистик тарзда кўрсатилган: оёқлари узун, қанотлари ёйилган.

Геометрик мавзулар. Ушбу безаклар аниқ конструктив ва бадиий тизим асосида барпо этилган. Ўрта Осиё нақшларида доира, учбурчак, айлана, юлдузлар, чизиклар, саккизбурчак сингари шакллар гулдор нақшлар билан тўлдирилиб, ажойиб кўринишни ҳосил этган. Кулолчилик композицияларда улар гоҳ учбурчак кўриниш, гоҳ қўш айлана ёки кўп қатламли мураккаб шакллар касб этган. Шунинг билан бирга турли чизиклар, жимжимадор лавҳалар ва турунж (медальон) ифода этилган.

“Сграффито” – “травировка” усулида бажарилган тасвирлар (доғли безаклар). Ушбу гурухга “тирнаш” техникаси билан бажарилган нақш мавзулари киради. Одатда лаганнинг марказига тўртбурчак ёки катта гул жойлаштирилади. Ундан тўрт томонга параллел чизиклар ва ярим барглар кетган. Композицияни бўш жойлари учбурчак ва барглар билан тўлдирилган, тирналган усулда

бажарилган. Тасвири нинг устига яшил, сариқ, қора бўёқларниң оқма мажмуаси куйилиб, яна бир безакни ҳосил қилган.

Антропоморф мавзулар. Мовароуннахр сирланган керамикаси учун ноёб ҳисобланган одамниң реалистик тасвири косада акс этилган. Мазкур тарихий ашё Ўзбекистонда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида археологик ёдгорликларининг бирида тасодифан аниқланган. Сурат – чизиқли контур усулида ишланган.

Одатда X – асрга оид кулолчилик намуналарида кўплаб зооморф тасвиrlар (қушлар, кийик, балиқлар) мавжуд. Аммо реалистик кўринишда тасвиrlанган одам қиёфаси жуда кам учрайди.

Мовароуннахр сирланган кулолчилигининг оммавий нақш мавзуларидан бири “тирдоб” тўғрисида маълумотлар. (Ахсикетдан топилган сирланган идишлар).

Ушбу буюмлар IX – X асрларда Фарғона пойтахти деб саналган Ахсикетдан топилган. Улар ўрта асрларга оид ўзига хос ноёб кулолчилиги тўғрисида гувоҳлик беради.⁴

Идишлардан иккитасида Мовароуннахр сирланган кулолчилигининг оммавий нақш мавзуларидан бири “тирдоб” тасвиrlанган. Чексиз харакатнинг қадимиј рамзи “тирдоб” ёки “уюрмали тўпбаргул” X асрдан нақш сирланган буюмларда қўлланила бошланган.

Ушбу буюмларниң бадији ечим воситалари (тасвир, шакли, ранг мажмуаси) ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Қия деворли коса ангоб фонида зайдун ранг; шаффоф сирланган ва сарғишилизил ва қора бўёқлар билан нақшланган. Композиция марказида жойлашган баргли “уюрмали тўпбаргул” чапга эгилган. Бундан ташқари қизил, зайдун рангдаги бир неча ҳалқалар ва ёзувга ўхшаш нақшли ҳалқалар билан айлантириб олинган. Идиш ҳошияси бўйлаб, яна бир ҳалқа ўтган. Унда нуқтали ва зирахолли нақшлар ишланган.⁵

Хулоса қилиб шуни этиш жоизки X аср кулолчилигида композиция тузилишида, ранг мажмуасида маълум қонун-қоидаларга риоя қилиш яққол кўзга ташланади. Қуйидаги композициялар ишлатилган: айлана, секторли ёки мустақил равищда тузилган композиция нақшлар лаганинг шакли, қисмларининг катта-кичиклиги қандай жойлашганлигига монанд танланган. Кўшимча унсурлар лаганинг фонини тўлдириб, асосий нақшнинг бўртириб кўрсатишга хизмат қилган. Лаганлардаги тасвиrlар “реалистик” тарзда ифодаланган.

⁴Ильясова С.Р. Глазурованная керамика Ферганы IX в. История материальной культуры Узбекистана вып. 31. Самарканд 2000.

⁵Ильясова С.Р. Фарғонанинг XI-XII асрларга оид сирланган идишлари. Санъат журнали. 3/2013. 8-бет.

Афросиёб кулолчилигига ғоявий, ижодий ва пластик композицион ечимида маълум қонун-қоидаларга риоя қилиш – бу нақш мавзусини яратишда асосий вазифаларидан биридир.

Ушбу даврда киритилган янгиликлар қўйидагича:

1. Мавжуд бўёқлар қаторига зайдун ранг киритилган.
2. Тасвир – чизиқли контур усулида ишланган.

3. Мовароуннахр сирланган кулолчилигининг оммавий нақш мавзуларидан бири “тирдоб” қўлланган.

Лекин шуни этиб ўтиш жоизки, бу усулда ишлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотлари бутун Мовароуннахр ва Хурросан бўйида тарқалган.^{6,7}

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шишкина Г.В. Глазурованная керамика Согда (VIII – XIII вв) – Т.; 1979
2. Гражданкина Н.С. Методика химико-технологического исследования древней керамики – Т: 1965.
3. Ташходжаев Ш.С. художественная поливная керамика Самарканда – Т.; 1967.
4. Лукина С.Б. Квартал керамистов в западной части города Мерва Т.; 1959
5. Массон М.С. Городище Нисы. Труды ЮТАКЭ Т, 1. А: 1949
6. Рахимов М.К. Художественного керамика Узбекистана. –Т.: 1961.
7. Ташходжаева Д. В. Ашёлар технологияси “San’at” журнали нашриёти Тошкент – 2017.

⁶Лукина С.Б. Квартал керамистов в западной части города Мерва Т.; 1959

⁷Массон М.С. Городище Нисы. Труды ЮТАКЭ Т, 1. А: 1949